

ВАТАНПАРВАР

...ЎЗ ОЛДИМИЗГА МАҚСАД ҚИЛИБ ҚЎЙГАН ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ, ШУ МУҚАДДАС ЗАМИНИМИЗДА ЯШАЁТГАН БАРЧА ИНСОНЛАР УЧУН ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАЙДИГАН ЭРКИН, ОБОД ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ҚУРИШ ЙЎЛИДАН ҲЕЧ ҚАЧОН ҚАЙТМАЙМИЗ.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
2009 йил, 4 сентябрь, жума № 36 (2319). Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
Пятница, 4 сентября, 2009 год, № 36 (2319). Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотузда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу — цена договорная

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!

Барчангизни Ватанимиз тарихидаги буюк сана — Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий табриклаб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва меҳр-муҳаббатимни билдиришдан бахтиёрман.

Азиз дўстлар!

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, озодлик ва эркинликка, ўз тақдирини ўз қўлига олишга интиланган дунёдаги биронта халқ мустақиллик деган улуғ ва бебаҳо неъматни, сиёсий ва иқтисодий тобеллик ва қарамлик занжирларидан озод бўлишни ҳеч қачон осонлик билан қўлга киритгани йўқ.

Бу азалий ҳақиқатни биз ўз тарихимизда англадик, бошимиздан ўтказдик.

Биз бундан 18 йил олдин халқимиз асрлар бўйи орзиқиб кутган миллий истиқлолимизни эълон қилиб, ўтган давр мобайнида эзгу орзу-умидларимизга эришиш йўлида эл-юртимиз қанча-қанча узилиш ва азоб-уқубатларни, қанча-қанча етишмовчиликларни, бир сўз билан айтганда, қандай оғир ва машаққатли синовларни бошидан кечирганини бугунги ва келажак авлодлар ҳеч қачон ёдидан чиқармаслиги муқаррар.

Бугун мана шундай улуғ ва ҳаммамиз учун ҳақиқатан ҳам азиз айём арафасида босиб ўтган йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, аввало, ўз куч-қудратимиз ва салоҳиятимизга суяниб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танилаб олганимиз, шу унутилмас йилларда мардлик ва матонат, чиндамчилик ва бағрикенглик кўрсатиб келатган халқимизнинг фидокорона меҳнати билан жаҳон аҳли эътироф этгаётган ютуқ ва марраларга эришганлигимиз барчамизга гурур ва мамнуният етказди, албатта.

Юртимизда янги жамият барпо этишда биз танилаган ва босқичма-босқич, изчил амалга ошираётган ислохотлар модели айни шу кунларда, яъни бутун дунё бошидан кечираётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида амалда нақадар тўғри эканини ва халқимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бераётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг яққол исботи охириги йилларда ва шу йилнинг ўзида иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиб, янги марраларга кўтарилиб, юртимизнинг қиёфаси тобора ўзгариб, янада обод бўлаётганида, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси, ойлик ва даромадлари узулсиз юксалиб бораётганида эркин намоён бўлмоқда.

Ҳаётимизнинг маъно-маъмуни, мақсадлари ўзгариши билан халқимизнинг, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, дунёқарashi, фикрлаши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва иқтисодий фаоллиги юксалиб бораётганини ва бундай ижобий ўзгаришлар бугунги ва эртанги ютуқларимизга мустаҳкам замин тугдираётганини катта мамнуният билан таъкидлаймиз.

Ўтган давр мобайнида кўпни кўрган, меҳнатқаш ва бағрикенг халқимиз ҳақиқий мустақилликка эришиш, истиқлолимизни ҳар қандай хуруж ва гаразли, ёвуз ҳаракатлардан ҳимоялаш йўлидаги машаққатли курашларда тобланди.

Юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётнинг қадр-қимматини, минтақамизда миллатлар ва динлараро тотувликни асраш ва мустаҳкамлаш нақадар муҳим эканини чуқур англаб етди.

Муҳтасар қилиб айтганда, ўтган давр мобайнида бошимиздан кечирган қийинчилик ва синовлар қанчалик оғир бўлмасин, биз уларнинг барчасига мардона бардош бериб, ўз танилаган йўлимиздан қайтмадик.

Ва ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, шу муқаддас заминимизда яшаётган барча инсонлар учун ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз. Азиз юртодошлар!

Бугун мана шу юксак минбарда туриб, 18 йил давомида бизга хайрихоҳ бўлиб, бизни қўллаб-қувватлаб, ёрдам ва мадад бериб келатган дўсту биродарларимизга, биз билан самарали ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар ва халқларга миннатдорлик билдириб, қизгин саломларимизни йўллашга, уларга бахт ва равшан тиллашга руҳсат бергайсиз.

Бизнинг бугунги тантанамизда қувончимизга шерик бўлаётган юртимиздаги хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, барча азиз меҳмонларимизга юракдан чиққан олқишларимиз билан ўз ҳурмат-эҳтиромимизнинг изҳор этасиз, айни муддао бўлади.

Мана шундай ёруғ кунларга етиб келишда ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилган, Ўзбекистоннинг оғир юкни ўз елкасида кўтариб келатган барча-барча юртодошларимизга, муътабар кексаларимизга ўз номидан, халқимиз номидан ташаккур билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.


Айни пайтда доимо латофат ва гўзаллик, вафо ва садоқат тимсоли бўлган, ҳаётимизни эзулик ва меҳр нури билан чарогон этиб келатган мунис аёлларимиз, онасинигилларимизни самимий кутлаб, уларнинг барчасига снҳат-саломатлик, бахту саодат, хондонларига файзу барака тилайман.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб, ўзининг навқирон азму шижоатини намоён этиб ўтирган ўғил-қизларимизни, ҳақиқатан ҳам эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган бутун мамлакатимиз ёшларини, уларга таълим бераётган устоз-мураббийларини чин қалбимдан муборакбод этаман.

Юрт учун, эл учун, бизнинг эртанги буюк келажатимиз учун ҳеч қачон, ҳеч қаерда бўш келманг, азиз фарзандларим!

Барчангизни Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик қутлуғ байрами билан яна бир бор табриқлайман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Қасамёдим — юрагимга кўчган баётим

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жабоблар!

Авваламбор, сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда пойтахтимиз аҳли, бутун халқимизни Ватанимизнинг олтин остонаси бўлмиш Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик қутлуғ тўйи, улуғ байрам билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ҳаммамизга маълумки, халқимизда азил-азалдан тўйга тўёна билан келишдек ажойиб бир одат бор.

Шу маънода, азиям Тошкентимизнинг айнан бугунги тўйига атаб барпо этилган, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи деб ном олган мана шундай муҳтанам ва бетакрор кошонада пойтахтимизнинг буюк санасини ўтказар эканмиз, барчамизнинг байрамона кайфиятимизга қувонч ва шукроналик туйғуларни қўшилиб кетаётгани табиий бир ҳол, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг фикрини ифода қилган бўламан.

Қадимий ва ҳаминша навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини муносиб ўтказиш мақсадида нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш ЮНЕСКО қарори асосида ушбу юбилейни юртимизда кенг нишонлаш тўғрисида махсус қарор ва дастур қабул қилганимиздан сизлар албатта хабардорсиз.

Ўтган давр мобайнида бу санаи Тошкент шаҳрининг мамлакатимиз ҳаётдаги беқиёс ўрни ва мавқеига мос равишда, юксак савияда нишонлаш, пойтахтимизни янада обод қилиш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Бугун тўла нишон билан айтиш мумкинки, бундай улкан, ҳақиқатан ҳам тарихий ишларни амалга оширишда Тошкентда бирон-бир туман, мавзе-маҳалла, меҳнат жамоаси ёки бирорта одам йўқки, бевосита ўз ҳиссасини қўшмаган, ҳеч бўлмаганда, ўзининг фикри, маслаҳати билан иштирок этмаган бўлса.

Бир сўз билан айтганда, мана шу давр мобайнида бу гўзал масканда, она дёғримизда яшаётган, кексао ёш барча (Давоми 4-5-бетда).



11 БАЙРАМ ШУКУҲИ
ИСТИҚЛОЛ ТАРАННУМ ЭТИЛДИ



13 МАҲОРАТ
ЮКСАК БИЛИМ ВА КЎНИКМА — ҒАЛАБАГА ЗАМИН ЯРАТДИ



15 МАЛАКА
ПРОФЕССИОНАЛЛАРНИНГ МАҲОРАТИ ЮКСАЛДИ



20 ОИЛА ГУЛШАНИ
АССАЛОМ, МАКТАБ!

АНЪАНА

ТАШАККУРНОМАЛАР ЙЎЛЛАНДИ

Истиқлолимизнинг илк кунларидан Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислон Каримов раҳбарлигида замон талабларига тўла жавоб берадиган, тезкор, ихчам, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган, давлат мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган профессионал армияни яратиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда Ватан ҳимоячилари зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни юракдан ҳис қилган ҳолда, бурчига содиқ қолиб, ўз билим ва малакаларини бўлинмаларнинг жанговар шайлигини ошириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий жамоаларда соғлом муҳитни барқарорлаштириш каби устувор вазифаларга бағишлашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруқларига биноан жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда эришган ютуқлари, ҳарбий ислохотларда фаол иштироки, юксак интизому ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги улкан ҳиссаси учун Мустақилликнинг 18 йиллиги муносабати билан қуйидаги ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига ташаккурномалар йўлланди.

ОТА-ОНАЛАРИГА МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ ТАШАККУРНОМАЛАРИ ЙЎЛЛАНГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР

Курсантлар:

Дилшод НИЗОМОВ;
Баҳодир НАЗАРОВ;
Феруз БОЗОРОВ.

Муддатли ҳарбий хизмат оддий аскарлари:

Аббос СОДИҚОВ;
Элёр БОБОБЕКОВ;

Акрамжон БАКИРОВ;
Тўлқин ХУДОЁРОВ;
Фаррух РУСТАМОВ;
Рустам ИБРОҲИМОВ;
Элёр ФАЙЗИЕВ;
Ғиёсбек МАҲКАМБОВ;
Ойбек САЛИМОВ;
Жаҳонгир ШАРИПОВ;

Ғофур ҲОТАМОВ;
Илҳом САФАРОВ;
Ҳакимжон ЮСУПОВ;
Баҳодир НАЗАРОВ;
Дилмурод МАМАЖОНОВ;
Темур ТУРДИҚУЛОВ;
Муҳриддин АҲМАДАЛИЕВ;
Абдуғани ҲАКИМОВ;

Қобилжон ДЕҲҚОНОВ;
Беҳзод ЖОНОҚҶЗИЕВ;
Фарҳод МАДРАИМОВ;
Фаррух АБДУАЗИМОВ;
Фарҳод МУРОДОВ;
Ғанишер МУНАВВАРОВ;
Илҳом АШУРОВ;
Равшан ШАРИПОВ;
Элёрбек МАҲКАМОВ.



ОТА-ОНАЛАРИГА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР БИРЛАШГАН ШТАБИ БОШЛИҒИНИНГ ТАШАККУРНОМАЛАРИ ЙЎЛЛАНГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР

Капитан:

Отабек ДЕҲҚОНОВ.

Катта лейтенантлар:

Анвар ИСМАИЛОВ;
Беҳзод ЖУМАЕВ;
Фарҳод ХУДАЙҚУЛОВ;
Эркинжон ҚОСИМОВ;
Аброр БОБОМУРАТОВ;
Анвар ҚОСИМОВ.

Лейтенантлар:

Улуғбек ТАДЖИБАЕВ;
Хуршид МАМАДАЛИЕВ;
Абдижан АБДУАЛИЕВ;
Бекжон БЕКПЎЛАТОВ;
Равшан АДҲАМОВ;
Акбар ТЎРАБЕКОВ.

Сержантлар:

Искандер МЕЛИЕВ;
Алижон МИНГДОНОВ;
Бектош МЕЛИҚУЛОВ;
Маъруф ЖЎРАЕВ.

Кичик сержантлар:

Ҳамид МАТСАФАЕВ;
Валижон ПИРМАТОВ;
Шухрат САТИМОВ;
Мансур БАРАКАЕВ;
Аброр ЖЎРАЕВ;
Улуғбек ҲАЙДАРОВ;
Улуғбек МАДРАҲИМОВ;
Дадамурод СУЛТОНОВ;
Носиржон ТОШМАТОВ;
Нурбек АРЗИҚУЛОВ;
Ориф МУРАТОВ;
Алишер ЭШМУРОДОВ;
Отабек ҚУРБОНОВ;
Хайрулло ЭҒАМБЕРДИЕВ;
Раҳат РЕЙМОВ;
Избасар ЖАКСИМУРАТОВ;
Умарбек ИБРАГИМОВ.

Шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари:

Искандар РАҲМОНОВ;
Нозимжон ЖУМАБОВ;

Жаҳонгир САФАРОВ;
Улуғбек МАМАДЖОНОВ;
Ортиқ ЭШИМОВ;
Даврон АШУРОВ.

Муддатли ҳарбий хизмат оддий аскарлари:

Абдуғани АБДУМАННОНОВ;
Асрор ХОЛИҚОВ;
Рифат АМОНОВ;
Суннатullo АЛМАТОВ;
Абдували ЖАЛИЛОВ;
Обоабр ТУРСУНОВ;
Шерали ТЕШАЕВ;
Ортиқбой ДАЛАБОВ;
Сиддиқжон ИБРАГИМОВ;
Муҳаммадсоли ҚОСИМОВ;
Фурқат ҚЎЗИБОВ;
Оқил ҒАФУРОВ;
Исмоилжон МАТАЕВ;
Миродил ОБИДОВ;
Равшан ЖУМАЕВ;
Куаниш КАРИМОВ;
Дадахон ҲАМРАЕВ;

Обиджон НУРИДДИНОВ;
Шарифжон ХУШИМОВ;
Абдуғаффор ТЎХТАМИШЕВ;
Элбек САТТОРОВ;
Турсунбой МЎМИНОВ;
Ҳусниддин ХИДИРАЛИЕВ;
Авазхўжа ТЎЛҚИНХЎЖАЕВ;
Достон ҒАНИЕВ;
Алишер ТЎХТАЕВ;
Азимжон ТЎКСИНБОВ;
Турдибек ХИДИРНАЗАРОВ;
Санжарбек ПИРМАТОВ;
Элмурод ҲАЗРАТОВ;
Шукрият САЛИМЕРОВ;
Шукурулло МАВЛОНОВ;
Маъруф АШУРОВ;
Бахтиёр МУСУРМОНҚУЛОВ;
Ихтиёржон НИЁЗОВ;
Жонибек АВЕЗОВ;
Хусан АБДУЖАББОРОВ;
Дилшод ҚОСИМОВ;
Жаҳонгир УТАНБОВ;
Нажмиддин АБДУХОЛИҚОВ.

ҚАСАМЁД

ЭР ЙИГИТНИНГ

МАРДЛИК КАЛОМИ

Кўксимда иймондай мустақкам ишонч,
Кўзим гавҳари, у, муқаддас Ватан.

Қалбимнинг қудрати шу Ватан гами,
Эгилмас қиличдир йигит Қасами!

Миллий армиямизда шаклланиб бораётган янгича аъналарнинг муҳимларидан бири — олий ҳарбий билим юртлари биринчи курс курсантларининг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тантаналарининг айнан 1-сентябрь, яъни истиқлол айёми кунинда бўлиб ўтиши, десак аниқлимаймиз.

Бу йил эса бўлажак офицерларимиз учун Ҳарбий қасамёд тантаналари янада катта шодлиқнага, байрамга айланиб кетди. Сабаби, ушбу кунда мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини кўтаринки руҳда нишонляпмиз.

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида бўлиб ўтган Ҳарбий қасамёд тантаналари ҳам ўзгача руҳда ўтди. Эрта тонгдан билим юрти ҳудудига байрамона шукуҳ ҳукмрон. Айниқса, узоқ-яқиндан фарзандларининг унутилмас оғлига шерик бўлиш мақсадида ташриф буюрган ота-оналарнинг қалбларида ҳаяжон, юзларида қувонч балқ уради. Майдонга саф торган азаматларга қараб, кўзинг қувнайди. Курсантлар бирин-кетин сафдан чиқишиб, халқимизга, она Ватанимизга ва Президентимизга содиқ қолишга тантанали равишда қасамёд қилишяпти. Улардаги дадиллик, ўзига бўлган ишонч келгусида кўплаб жасратлар қилишга руҳлантириши, шубҳасиз.

Йигитлар Ҳарбий қасамёд қабул қилиб бўлишгандан сўнг, тантанана бағишланган митинг бўлиб ўтди. Унда билим юрти шахсий таркиби, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар иштирок этишди.

Митингнинг офицер Ҳамид Дадабоев кириш сўзи билан очиб, ўзининг самимий тилакларини билдирди. Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Тохир Ҳамроқулов сўзга чиқиб, бугун армиямизда олиб борилаётган изчил илоҳотлар, янгиланишлар ҳақида сўзлаб, курсантларимизнинг айнан мустақиллик кунинда Ҳарбий қасамёд қабул қилишлари замирида улкан маъно борлигини таъкидлаб, уларнинг хизматлари ва ўқишларига муваффақият тилаб, келгусида етук офицер бўлиб шаклланишларига юксак ишонч билдирди. Шундан сўнг, Чирчиқ шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шухрат Кенжаев, билим юрти фахрийси, истеъфодаги полковник Шомақсуд Мажинов, ота-оналардан курсант Мурод Жўрабоевнинг онаси Малохат ая,

курсант Саидгани Агзамовнинг бобоси Фарҳод ота Носиров ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари сўзга чиқишиб, курсантларни унутилмас онлари ва мустақиллигимизнинг 18 йиллиги билан самимий муборакбод этишди.

Сафдошлари номидан сўзга чиққан курсант Фаррух Қосимов мустақиллик кунинда Ҳарбий қасамёд қабул қилаётганлари уни ва сафдошларини янада руҳлантириб, эзгу ишлар сари етаклашини алоҳида таъкидлаб, Ватан тинчлигига, унинг янада гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшишга ваъда берди.

Шундан кейин тантанана бағишланган кўргазмали чиқиш ва концерт дастури намойиш этилди. Унда билим юрти ҳарбий оркестри жамоаси ўзларининг дилтортар куйларини ижро этишиб, йиғилганлар кўнглига хушнудлик бахш этишди. Юқори курс курсантлари томонидан тайёрланган қўл жанги бўйича кўргазмали чиқишлар, барчага бирдай манзур бўлди.

— Бугун мен жуда бахтлиман, — дейди курсант Амиридин Бўтаевнинг онаси Ойша Ҳамроева. — Ўғлимнинг қувончига шерик бўлай деб, Навоий вилоятдан келдим. Сафда уни ҳарбий либосда кўриб, қалбимда ўзгача бир туйғу пайдо бўлди. Болалигида бешигини тебратиб, мард ва жасур, комил инсон бўлгин дея, аллалар айтардим. Мана, бугун ўғлим ҳам Ватанимиз тинчлиги йўлида жонбозлик ила хизмат қилаётган ҳарбийларимиз сафига қўшилди. Унинг эл-юрт корига камарбаста бўлиб, Ватанимизнинг ишончини оқлаб, келажақда етук офицер бўлиб шаклланишини тилайман.

Тантана сўнгидан билим юрти масъул офицерлари ота-оналар билан давра суҳбати ўтказишиб, бугун курсантларга яратилган улкан имкониятлар ва шарт-шароитлар билан яқиндан таништиришди.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» муҳбири.

ЭСТАФЕТА ВЕРНОГО

СЛУЖЕНИЯ ОТЧИЗНЕ

Для курсантов третьего курса Специального факультета ТУИТ день принятия Военной присяги стал именно этим символическим. В этот день они перед лицом своих родных и близких, боевых товарищей произнесли священные слова о Родине, приняли эстафету верного служения Отчизне.

Курсанту Назарбаю Сапарниязову вспомнилось время, когда он еще мальчишкой приехал на присягу к старшему брату, Халыкбаю. Еще тогда в сердце мальчишки родилась и окрепла твердая уверенность пойти по стопам отца и брата. Сейчас, когда лейтенант Халыкбай Джуманиязов после окончания ЧВТКИУ уже служит в рядах наших Вооруженных Сил, сердце подполковника резерва Хасенбая Джуманиязова наполняет чувство гордости: и младший сын сумел доказать верность мужскому слову, став третьим членом новой офицерской династии из Нукуса.

Не нарадуется на сына и Халоват-апа Халилова, приехавшая из Гиждуванского района Бухарской области: курсант Феруз Боймуродов гордо и четко читал строки Военной присяги. В семье фермера Баймурада Сафарова выросли шестерых детей, и пятый решил выбрать мужественную профессию офицера.

— Символично, что принятие Военной присяги происходит в День Независимости, — говорит мама курсанта. — Ведь нашим детям предстоит с оружием в руках защищать нашу свободную Родину, беречь мирный труд и покой сограждан. Это очень почетная и ответственная задача, я горжусь сыном!

Чуть в сторонке стоят курсанты, отслужившие до поступления в армии срочную службу солдатами. Они этот торжественный день пережили еще тогда, в солдатском звании.

— Хочу поздравить своих сослуживцев с этим незабываемым событием, — говорит курсант Борис Красиков. — Мне довелось отслужить срочную службу в Военно-Воздушных Силах. Еще тогда я убедился в том, насколько важна качественная и надежная связь в деле обеспечения высокой боевой готовности. И потому твердо решил поступать именно сюда. Ребята очень волновались, усиленно тренируясь на плацу. Но сегодня все эти вол-

нения позади. Посмотрите, как они красиво выходят из строя!

Эти слова с законной гордостью могут повторить многие из пап и мам, родных и близких курсантов, приехавших из разных уголков нашей страны поздравить молодых людей. Нам удалось побеседовать с ними, попросить их поделиться впечатлениями.

— Мой сын Арслан отучился в Ташкентском военном телекоммуникационном академическом лицее, — говорит Абат Есемуратов. — Так что мечта стать офицером сидит в его сердце еще с подростковых времен. И сейчас мы пришли поздравить его с приближением к претворению этой мечты.

На торжественном митинге по случаю принятия Военной присяги с поздравлениями в адрес курсантов выступили командующий войсками ТВО генерал-майор В. Махмудов, первый проректор ТУИТ А. Юсупов, представитель Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан У. Тожибоев, пожелав молодым людям на всю жизнь сохранить верность своему слову.

Со словами материнского напутствия обратилась к юношам мать курсанта Азиза Киличева, Хафиза-апа Мухаммадиева, а от имени курсантов с ответным словом выступил курсант Алишер Раджабов, выразив твердую уверенность в том, что все его товарищи с достоинством и честью пронесут через годы службы верность словам Военной присяги.

Атмосферу праздника усилило и оглашение праздничного приказа начальника СФ ТУИТ о поощрении военнослужащих в связи с 18-летием Независимости, и показательные выступления по рукопашному бою на стадионе.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
к.р. «Ватанпарвар».

КЎЗДА ҚУВОНЧ, ҚАЛБДА ҲАЯЖОН

Барча олий ҳарбий билим юртларида бўлгани каби Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртида ҳам 1-курс курсантларининг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тантанаси бўлиб ўтди.

— Қувончимни сўз билан таърифлашга тилим ожиз, — дейди ҳаяжон билан курсант Ферузбек Имомов. — Шундай унутилмас кунда курсантларимизга шерик бўлиш учун ота-онам ва дўстларимнинг ҳам келишгани мени тўлқинлантириб юборди. Шу боисдан ҳам жуда бахтиёрман. Барча дўстларим қатори мен ҳам бу кунни умрбод унутмайман.

— Бугун мен орзуимга етдим, — дейди яна бир курсант Сирожиддин Жўрабоев. — Бундан ота-онам ҳам шод. Мана, бугун чинакам мардлар сафидан ўрин олдик. Ҳарбий қасамёд қабул қилар эканман, кўнглим чексиз фахр-ифтихорга тўлди. Чунки халқ тинчлиги ва фаровонлигини асраш — юксак шараф. Келажақда мана шу шарафни вазифани виждонан бажаришга сўз бераман.

— Мен Ҳарбий либосда кўриб онамнинг кўзларига қувонч ёшлари келди, — дейди курсант Ҳалимжон Уринов. — Менинг ҳам кўнглим чароғон, шодлигим осмон қадар. Энг улуғ, энг азиз кунда кенг жамоатчилик олдига Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини кўриқлашга, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачингидек асрашга тантанали қасамёд қилдик. Бундан буён биз ёшларга кўрсатилаётган мана шундай эътибор ва ишончга муносиб бўлиш учун астойдил ўқиб, ўрганимиз. Билим юртида ҳарб илмини пухта эгаллаб, ана шу ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

Лола ҲОЖИМУРОВА.



ҚАСАМЁД

ҚАЛБЛАРИДА СОДИҚЛИК ОНТИ

Умримиз давомида турли босқичларни, унутилмас воқеа-ҳодисаларни бошдан кечирамиз. Аслида, уларнинг ҳар бири кишининг ўзлигини англаши ва ҳаёт йўлини белгилашида, дунёқараши ва тафаккур доирасини кенгайтиришида, бир сўз билан айтганда, камол топишида муҳим аҳамият касб этади.

– Ҳарбий касб эгаларининг фаолиятлари ҳар хил қувончли ва ўта ҳаяжонли воқеаларга бой бўлади, – дейди офицер И. Маҳмудов. – Биринчи ҳарбий унвошни олиш, лавозим бўйича кўтарилиш, кўмондонлик томонидан тақдирланиш, хизматда жамоадорлар билан ғалабага эришиш... Аммо, улар орасида муҳим бир воқеа борки, уни ҳеч бири билан таққослаб бўлмайди. Бу Ҳарбий қасамёд ва у билан боғлиқ таассуротлардир.

Дарҳақиқат, ҳарбий хизматнинг том маънодаги масъулияти ва мазмун-моҳияти вақт ўтishi билан теран англаб етилса-да, уни ўташ айнан юрти ва Президентига ҳар қандай шароит ва вазиятда содиқлик ҳақидаги қасамёдан сўнгитина бошланади.

Кунни кеча юртимиздаги барча олий ҳарбий билим юртлари илк босқичига ўқишга қабул қилинган курсантлар айнан шундай, ҳаётда бир маротаба бўлувчи, юракларни ҳаяжонга солувчи дамларни бошдан кечирдилар. Бундайин маросимга бағишланган тантанали тadbир Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида ҳам бўлиб ўтди.

Бўлғуси офицерларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган тантанали маросимда Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор А. Косьяненко, билим юрти раҳбарияти ва шахсий таркиби, кенг жамоатчилик, ота-оналар иштирок этдилар.

– Неварамни қутлаш ва қувончига шерик бўлиш учун келдим, – дейди курсант Шукржон Ҳасановнинг бувиси Рўхон опа. – Ўз сўзида қатъий туриб, айнан мардлар касбини танлаганидан бугун қалбим чексиз фаҳрга тўла. Жудаям ярашиб турган ҳарбий либосида янада салобатли ва кўркам бўлибди.

– Акам Ҳарбий қасамёд қабул қилганида мен ҳам ҳаяжонландим, – дейди онахонинг яна бир невараси Фарҳод Ҳасанов. – Ўйлайманки, менга-да юрт посбони бўлиш nasib этади.

– Яқин дўстим – Бехруз Ғофуров муваффақияти сабаб, ўтган йилги хурсандчилигим кўз ўнгимда яна бир бор гавдаланди. Ахир, у ҳам мендек курсант бўлди, – дейди олий ҳарбий билим юрти иккинчи курс курсанти Яшин Каримов. Дарвоқе, Бехруз ва Яшин – Бухоро вилоятидан, ҳамқишлоқ. Бир мактабда ўқиган, офицер бўлишни астойдил ният қилган дўстлар ўз мақсадлари томон ишончли одимламоқдалар.

– Ўғлимизга курсантлик либосини кийиш nasib этганидан, акиси изидан бораётганидан бошимиз осмонга етмоқда, – дейди Қулмуродовлар онасининг соҳиби-ю соҳибаси Раҳматулло ака ва Гулнора опалар. 2008 йилнинг энг муҳим воқеаси сифатида улар Акбарнинг курсант бўлганини қайд этсалар, бу йил Анвар дилдан севинишларига сабаб бўлди.

– Бу кун мен ва сафдошларим учун узоқ вақтгача хотирада сақланиб қолишига шубҳам йўқ, – дейди курсант Ўткир Сойибжалоков. – Ота-онамиз, яқинларимиз, жамоатчилик олдида онт ичаётган чоғимда Ҳарбий қасамёд матни қалбимга жо бўлаётгандек ҳис қилдим ўзимни. Унинг ҳар бир сўзи қўлогимда жаранглайвериши ва хизмат давомида тўғри йўлни кўрсатувчи маёққа, куч-қувват манбаига айланиши аниқ.

Ҳарбийликни орзу қилган, бу касбни ифтихор ва фахр, ҳамюртлари тинчлиги ва осойишталиги, мамлакат фаровонлиги ҳимоясидек шарафли вазифани ҳаёт мазмуни, деб билган, қабул қилган Ҳарбий қасамёдидан чексиз руҳланган ва таъсирланган курсантларга омадлар, келгуси фаолиятларида зафарлар тилаймиз.

Капитан Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

УНУТИЛМАС КУН ШУКУҲИ

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти курсантларининг Ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган тантанали тadbир бўлиб ўтди. Ушбу тadbирда ҳарбий хизматчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, курсантларнинг ота-она, дўсту биродарлари иштирок этдилар.

Майдонда саф тортган ҳарбий либосдаги ўғлонлар кўзларга қувонч бағишлайди. Айни дамда бу алшқомат, паҳловонқелбат йигитларнинг қалбларидаги ҳаяжон юзларига балқиган. Ота-оналарининг ҳаяжони ҳам уларникидан қолишмайди. Ахир ҳаяжонланмай бўладими, бугун жигарбандлари Ватанга садоқат онтини ичишди. Ниҳоят, курсантлик nasib этган шунқорлар дилларида мавж урган матонат ҳисларидан тўлиб-тошиб, бирин-кетин халқимизга, она Ватанимизга, Президентимизга содиқ бўлишга тантанали қасамёд қилдилар.

Тантана давомида сўзга чиққанлар курсантликка қабул қилинган йигитларни ҳаётларидаги ушбу муҳим ва унутилмас воқеа билан чин дилдан табриклаб, ўзларининг самимий дил-изҳорларини йўллашди. Улар ўз сўзларида келажагимиз эгалари бўлган бу ёшларни Ватанга садоқатли, мард ва жасур юрт ҳимоячиси бўлишларида жасорат, матонат каби фазилатлар ёр бўлишларини тилашди.

– Ҳаётингиздаги ушбу унутилмас кун билан чин дилдан табриклайман ва доимо сизларга ишонамиз, суянамиз, – деди ота-оналар номидан сўзга чиққан Ориф бобо Незматов. – Ҳарбийлик шарафли касб. Мен неварам Шаҳбозжоннинг мана шундай шарафли ва айни пайтда масъулиятли соҳани танлаганидан гурурланаяпман. Бугун унинг қадди-қоматига, ҳарбий либосига қараб кўзим туймайпти. Ҳа, Ватан тинчлиги ва осойишталигини қўриқлаш ҳар бир эр йигит учун муқаддас вазифадир. Мана шу муқаддас вазифани бурч деб билганлар Ватан-

нинг асл фарзандидир. Тилагим, бундан буён ҳам доимо юзингиз ёруғ, эришганингиз муваффақият бўлсин.

– Мана, бугун ўғлим Ҳарбий қасамёд қабул қилди, – дейди курсант Абдуллажон Умаровнинг онаси Комила Матмўминова. – Шу бондан жуда ҳам ҳаяжонданман. Тантанада қатнашаётган, фарзандлари курсантлар сафига қўшилган барча ота-оналар қатори хурсандман. Айни дамда мана шу саф тортиб турган ўғлонлар қаторида менинг ҳам фарзандим борлигидан фахрланаяпман. Абдуллажон ёшлигидан ҳарбий соҳа вакили бўлишни орзу қиларди. Бугун у ушбу мақсад йўлида ўзининг дил қадамини қўйди. Фарзандимнинг бу ютуғидан бошимиз кўкка етди. Чунки ҳар бир ота-она учун ўғил-қизининг камолини кўришнинг ўзи бир бахт.

– Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, ҳарбий билим юрт курсанти бўлганимдан, халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами – мустақиллик кунинда Ҳарбий қасамёд қабул қилганимдан жуда шодман, – дейди курсант Файзуллаҳўжа Сатторов. – Энди ота-онамнинг, устозларимнинг ишончини оқлаб, астойдил ўқишга ҳаракат қиламан. Мақсадим – ҳар томонлама етук, профессионал офицер бўлиб, жонажон Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида хизмат қилиш. Бунда йил эзгу мақсад йўлида хизмат қилишни ўзим учун шараф деб биламан. Ҳамиша қасамёдимга содиқ қолиб, юрт ҳимоясига доим тайёр туришга сўз бераман.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.

ПРИСЯГАЮТ ОГНЕБОРЦЫ

День принятия Военной присяги на верность народу и Президенту Республики Узбекистан стал для будущих огнеборцев, курсантов первого курса Высшей технической школы пожарной безопасности МВД по-особому торжественным и праздничным.

Ведь в этот знаменательный день 1 сентября 2009 года в сердцах виновников торжества переплелись три знаменательные исторические события: 18-я годовщина Независимости Узбекистана, 2200-летие столпы и торжественная клятва на верность Родине.

С раннего утра звучали мелодии оркестра, переливались цветами радуги цветочные букеты, подходили многочисленные гости. К торжеству, как говорится, готовились всем миром, но особенно волновались первокурсники.


И вот наступил тот долгожданный миг, когда поступила команда приступить к приему присяги новым пополнением. Над плацем взволнованно звучали слова присяги. Курсанты Фарход Кичинов, Хусан Субанов и их однокурники старательно печатают шаг, выходили из строя и перед лицом товарищей, родных и близких, друзей, представителей общественных и государственных организаций, руководства МВД клялись на верность народу и Президенту.

В этот торжественный день к курсантам с теплыми словами поздравления и отеческим напутствием обратились министр внутренних дел Республики Узбекистан генерал-лейтенант Б. Матлюбов, начальник

Высшей технической школы пожарной безопасности генерал-майор М. Собиров, офицеры-преподаватели А. Абдурахмонов и Д. Бахронов. С волнением выслушали первокурсники добрые напутствия матерей, наказы аксакалов. Приглашенные на торжество звезды узбекской эстрады оставили у гостей и виновников торжества неизгладимые воспоминания, подарив им прекрасную концертную программу.

– Впечатления от праздника самые радостные, – сказала в беседе Гульнора-апа Субанова, мать курсанта-первокурсника. – Нас, матерей, особенно порадовало, что командование школы с уважением отнеслось к гостям и родным курсантов, подробно ознакомили нас с условиями учебы и службы, повседневной жизни и быта курсантов. Нам подробно рассказали об условиях обучения и традициях школы, требованиях, предъявляемых к будущим офицерам. Признаться, все это меня очень впечатлило. Побывав в этом учебном учреждении, испытала искреннюю гордость за сына, который будет здесь учиться.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».



БАЙРАМ ШУКУҲИ

«МУСТАҚИЛЛИК – ҒУРУРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ»

Ўн саккиз ёш, Ватаним,
Ўн саккиз минг қовонанг,
Ўн саккиз минг қувончдан
Мунаввардир пешонанг.
Ҳар бир равшан янги тонг
Истиқлолдан нишонанг,
Жаҳонларни чуллаган
Ўн саккиз минг таронанг...

Дарҳақиқат, шоир мадҳ этганидек, бугун дунё харитасида янги мустақил давлатимиз пайдо бўлганига 18 йил тўлди. Мана шу қисқа, аммо сермазмун вақт мобайнида мамлакатимиз жаҳон давлатлари ўртасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашди. Дунё Ўзбекистонни ривожланиш сари дадил қадам ташлаётган юрт сифатида таниди. Буларнинг барчаси мустақиллик шарофатидир.

Мустақиллик! Бу сўз бугун ҳар биримизнинг тилимизда ўзгача оҳангда жилдоланмоқда. Бу каломни эшитганимизда вужудимизда ажиб бир ҳароратни ҳис қиламиз. Юрагимиз фахрийтихор туйғулари билан тўлади. Зеро, мустақиллик – озодлик, ҳурлик, тенг ҳуқуқлилик демак. Эркин дунёқараш, эркин тафаккурга суяниб ҳар бир фуқаронинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, умуминсоний қадриятларга таяниб, ана шу мезонларга риоя қилиб яшаш демакдир. Мустақиллик халқимиз учун ана шундай фаровон турмуш эшигини очди. Шу сабабли ҳам юртимиз мустақилликка эришган тарихий сана ҳар йили мамлакатимизда катта байрам, шодиёна сифатида кенг нишонланади. Халқимиз ушбу муқаддас кунни интиқлик, чексиз қувонч, кўтаринки кайфият билан кутиб олади. Ҳа, дунёда байрамлар, тантаналар кўп. Аммо Ватанимиз мустақил бўлган кун, энг улуғ, энг азиз байрам сифатида қадрланади. Зеро, биз учун мустақилликдан буюроқ неъмат йўқ. Шундай экан, истиқлолнинг ҳар бир тонгига, ҳар бир онига шуқрона келтириб яшасак арзийди. Шу кунларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида қўшалоқ байрам – истиқлолимиз 18 йиллиги ҳамда қадимий ва навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тадбирлар, кечалар катта тайёргарлик билан ўтказилмоқда. Жумладан, Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган маънавий-маърифий анжуман фикримиз далилидир.

«Мустақиллик – ғуруримиз, ифтихоримиз» деб номланган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, республика Хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият-тарғибот маркази, «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Тадбир аввалида Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т. Ҳамроқулов сўзга чиқиб жумладан шундай деди:

– Мустақиллик, қалбимизда ўзликни, миллатни, қадриятларни англашни, бебаҳо маданиятимиз, аجدодларимиз мероси, бугун ва эртанги кунимиздан фахрланиш туйғуларини уйғотди. Чунки Мустақиллик – бу Президентимиз таъбири билан айтганда, халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўн саккиз йил. Балоғат ёши. Ватанимиз тарихида бу йиллар истиқлолимиз

нинг мустақамлангани, том маънода, ушбу етук паллага қадам қўйгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу йиллар, мазмун-моҳиятига кўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида юртимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланди. Биз мана шундай озод ва обод Ватан фарзандлари эканлигимиздан ҳар қанча фахрлансак, гурулансак арзийди...

Шунингдек у ўз маърузасида истиқлол йилларида миллий армиямизни барпо этиш, Қуролли Кучларни ислоҳ этишдек улкан ишлар амалга оширилгани, тараққиёт сари юз буриб, мустақам куч-қудратга эга бўлган армиямиз бугун сарҳадларимиз дахлсизлиги ҳамда осойишталигимиз барқарорлигини таъминлашга қодир эканлиги хусусида ҳам атрафлича фикр юртди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари М. Зуфарова, Олий мажлис депутатлари Э. Юсупов, М. Қориева ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М. Ҳожиматовлар сўзга чиқиб, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ишлар тўғрисида йиғилганларга маълумот бердилар.


Тадбир давомида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда Республика халқ ижодиёти ва маданий-маъ-

рифий илмий услубий маркази ҳузуридаги «Дурдона» гуруҳи хонандлари томонидан ижро этилган Ватан ва ватанпарварлик туйғуларини тараннум этган куй-қўшиқлар ва Қуйи Чирчиқ тумани «Мокнан» корейс болалар рақс дастаси жажжи раққосаларининг дилрабо рақслари тадбир қатнашчиларига кўтаринки кайфият бахш этди.

Шу кун Марказий офицерлар саройи кўргазмалар залида Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази томонидан ташкил қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ислоҳотлар йўлида» мавзудаги расмлар кўргазмаси ҳамда Республика болалар бадний ижодиёти маркази ёшларнинг ижодий ишлари ҳам намойиш этилди. 18 йил мобайнида Қуролли Кучларимизда амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу расмлар кўргазмаси ҳамда болаларнинг юксак яратувчанлик қобилиятини намойиш этган, қўл меҳнатига асосланган ижодий ишлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

– Тадбир менга жуда манзур бўлди, – дейди олдий аскар Сардор Назаров. – Бунинг учун тадбир ташаббускорларидан миннатдорман. Куй-қўшиқ ва рақслар бизга байрамона кайфият улашди. Фурсатдан фойдаланиб, сафдошларимни, барча ҳарбийларни, командирларимни улуғ байрам билан табриклайман.

Гулнора МУРОДОВА.



КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ

Марказий ҳарбий округининг барча қисм ва бўлинмаларида ҳам мустақиллигимизнинг 18 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

Ташкил этилган ижодий учрашув ва концерт дастурларидан юрт қуришдек шарафли касбини танлаган ҳарбий хизматчилар қалбида, онгу шуурида она Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини мустақамлаш, мустақиллигимиз ва тинчлигимизнинг чин маънодаги посбонлари бўлиб шаклланишларига эришишдек эзгу мақсад кўзланган. Жумладан, офицер Бахтиёр Мискинов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ҳам Ватан ҳимоячилари энг улуғ, энг азиз айём – истиқлол шодиёналарини муносиб кутиб олдилар.

Таъкидлаш жоизки, қисмда байрамга қизғин ҳозирлик кўрилди. Аввало, ҳашар йўли билан қисм ҳудудида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу савобли ишга барча ҳарбий хизматчилар ўз ҳиссаларини қўшишгани эътиборга молик.

– Истиқлол айёми – байрамларнинг ичида энг суюклиси, муқаддаси, – дейди офицер Б. Мискинов. – Бу кунларни кўришни неча-неча аждодларимиз орзу қилиб ўтиб кетишди. Миллатнинг қанчадан-қанча

шерюрак ўғлонлари озодлик, эрк учун курашларда жон беришди. Улар орзу қилган дориломон кунларни кўрмоқ эса биз авлодларга насиб этди. Шу боис бу кунларнинг қадрига етишга, фарзандларимиз қалбида бу кунга нисбатан эҳтиром туйғуини шакллантиришга барчамиз бирдай масъулмиз. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан қисимизда ташкиллаштирилган байрам тадбирлари, спорт мусобақалари ана шу мақсадга хизмат қилди. Фолиб ва совриндорлар қисм кўмондонлиги томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Жамшид СОБИРҚУЛОВ.

МУБОРАК АЙЁМНИНГ УНУТИЛМАС ОНЛАРИ

Мустақиллик халқимизнинг қўлга киритган энг катта тарихий ютуғидир. Истиқлолимиз ўн саккиз ёшга тўлди. Шу вақт ичида мамлакатимизда қанчадан-қанча улкан ўзгаришлар, янгиланишлар бўлди. Юртимиз обод, халқимиз фаровон, тинч ва осуда ҳаёт кечирмоқда. Мустақиллик байрамини ҳам юртдошларимиз катта интиқлик билан кутишиб, маҳалла-қўйларда, боғу роғларда чексиз қувонч ила нишонлашди.

Жумладан, она Ватанимиз тинчлигини кўз-қорачигидек асраб-авайлаб келаётган юрт посбонлари ҳам энг улуғ, энг азиз байрамимизни катта шодиёналар ила кутиб олишди. Тошкент ҳарбий округи қисм ва бўлинмаларида, олий ҳарбий билим юрти ҳамда сержантлар тайёрлаш мактабида ўтказилган тантаналарда элимиз суйган санъаткорлар ва Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаю раққосалари иштирок этишиб, ўзларининг дилтортар куй ва қўшиқлари ила ҳарбий хизматчилар ва уларнинг она аъзолари кўнглига байрамона шуқуҳ бағишлашди.

Байрам муносабати билан ўтказилган тадбирларда фахрийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам қатнашиб, юрт ҳимоячилари билан бир-

галикда қутлуғ санани нишонлашди. Жойларда ташкиллаштирилган спорт мусобақалари ҳам ҳақиқий байрам тантаналарига айланиб кетди.

– Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг юксак мукофоти – «Шуҳрат» медали билан тақдирландим, – дейди сержант Юлдошбек Абдуллаев. – Бундайин шарафга сазавор бўлишимда устоз офицерларнинг хизматлари катта бўлди. Аввало, бу мукофот менга янада куч-ғайрат бағишлаб, янгидан-янги марраларни забт этишимга руҳлантирди. Айём билан барча юртдошларимиз табриқлаб, келгуси хизмат фаолиятимда ҳам юқори натижаларга эришиб, билдирилган ишонччи оқлашга интиламан.

Фирдавс АҲРОП.

ЧАСЫ СОЛДАТУ

Рядовому срочной службы Баходиру Ямакову этот праздник Независимости запомнится надолго. За победу в состязании по поднятию гирей на первенство части солдат стал победителем в своей весовой категории. И перед строем личного состава его наградили наручными часами!

Отмечены наручными часами победы в беге на 100 метров лейтенанта Халила Одилова, на 3000 метров рядового по контракту Усмана Фозилова. Также были определены самые сильнейшие в настольном теннисе, перетягивании каната.

В командном зачете за первое место цветным телевизором была награждена команда майора Элбека Буриева, за второе место DVD-плеером поощрена команда майора Содика Асадова и за третье место – ковер команде майора Ёдгора Мадрамова.

С большим успехом прошли здесь концерт для членов семей военнослужащих, выступление команды веселых и находчивых воинов.

Подполковник Бахтиёр УРАЛБАЕВ.

МАҲОРАТ

Идет боевая учеба

ПРОФЕССИОНАЛЬНО И СЛАЖЕННО

Проведение учебных занятий в сложных условиях горной местности не только закаляет воина, но и способствует отработке слаженности действий военнослужащих многочисленных военных специальностей и подразделений различных силовых структур. В ходе совместного выполнения учебно-боевых задач военнослужащие накапливают бесценный опыт взаимодействия, учатся понимать друг друга с полуслова, перенимают современные приемы ведения боя, учатся настойчивости и упорству в достижении победы.

Поступила вводная команда о проникновении в охраняемый район условной незаконной вооруженной группы противника. Согласно оперативной информации, «террористы» приступили к закладыванию схронов оружия и боеприпасов, оборудованию и маскировке мест для хранения продовольствия и медикаментов, пытаются создать в горах базу для организации и проведения в дальнейшем серии диверсионно-террористических актов.

Поднятое ночью по тревоге подразделение офицера У. Ходжаева, уточнив задачу на макете местности, приступило к ее выполнению. В ходе скрытного продвижения военнослужащим предстояло преодолеть немало препятствий и преград. И в этом им помогают опытные специалисты и инструкторы.

Младшие сержанты Д. Рузметов и А. Жониев подготовили для обучаемых воинов первое занятие по горной подготовке. Они лично продемонстрировали способы преодоления препятствий, методику грамотного и безопасного использования современного альпинистского инвентаря. В ходе занятия обучаемыми были практически отработаны порядок перехода через скалистый участок местности, спуск по отвесной скале, способы преодоления водных преград в горах, методы использования горного снаряжения, различные варианты крепления и завязывания узлов.

В результате планомерного поиска разведчикам подразделения удалось своевременно обнаружить в заданном районе группу условного противника. Офицеру У. Ходжаеву предстояло организовать его уничтожение. В первую очередь

он отдал приказ на скрытый захват наблюдательных пунктов «противника». Меткими выстрелами несшие наблюдение «боевики» были сняты, а их место заняли снайперы младшие сержанты Инам Тошев и Содикжон Умаров.

Обеспечив надежное прикрытие подразделения путем расстановки наблюдательных постов, офицер У. Ходжаев начал готовить подразделение к штурму здания, где укрывался условный противник. Он принял решение внезапно атаковать его, используя прикрытие из дымовых средств.

Благодаря четкому распределению обязанностей и согласованному действию каждого военнослужащего, «штурм» жилых помещений прошел точно по плану. Плотным огнем снайперов и пулеметчиков «противник» был в основном уничтожен. Потрясенная молниеносной атакой живая сила условного противника практически не оказала сопротивления, обратившись в бегство.

Однако и этот вариант действий был командиром предусмотрен, и на всех возможных путях отступления «боевиков» поджидал кинжальный огонь на поражение.

На данном этапе боевой учебы командир отметил инициативные действия младших сержантов Аброра Исаева и Шахруха Гайбуллаева. Оба они несколько лет назад успешно прошли обучение в Школе подготовки сержантов, да и за время службы не раз принимали участие в полевых занятиях. Их нынешний успех стал закономерным итогом напряженной боевой учебы, еще одной ступенью роста их профессионального мастерства.

Однако на этом операция по уничтожению условного противника не закончилась. Поступила вводная, что на звуки боя подтянулась основная группа «боевиков» для оказания огневой поддержки преследуемым «террористам».

Подобное развитие событий в горных условиях вполне предсказуемо. Подразделение приступает к выполнению задачи по блокировке возможного пути движения «противника» и отработке действий в засаде.

Командир принимает решение по блокировке и уничтожению «противника» в горном ущелье с целью не допустить его дальнейшего продвижения в направлении населенных пунктов. Данная задача отработывалась в ходе выполнения военнослужащими подразделения боевой стрельбы из различных видов оружия, имеющегося на вооружении.

В данной ситуации было мало успешно отстреляться. Важно обеспечить максимальную скрытность и внезапность действий. Поэтому командир подразделения лично проверяет качество маскировки и выбор огневой позиции каждым воином. Настоящим испытанием выдержки стали для солдат и сержантов долгие часы ожидания.

Когда условный противник предпринял попытку выхода из горного ущелья, его встретил огонь из всех видов оружия. На этом задача, поставленная перед воинами, успешно выполнена: условный противник найден, блокирован и уничтожен.

Подводя итоги данного занятия, представители вышестоящего командования отметили, что военнослужащие подразделения офицера У. Ходжаева в непростых горных условиях проявили свои лучшие профессиональные качества: высокую боевую готовность, профессиональное мастерство, сплоченность и взаимовыручку.

Капитан Мирза ХАСАНОВ.



Дала-ўқув машғулотида

ЮКСАК БИЛИМ ВА КЎНИКМА – ҒАЛАБАГА ЗАМИН ЯРАТДИ

Юртимиз тинчлигини, мустақиллигимизни асраб-авайлаш, халқ фаровонлигини таъминлашда миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган азамат ўғлонларимизнинг улкан ҳиссалари бор.

Бундайин ўта масъулиятли вазифани бажаришнинг нечоғли шарафли эканлигини англаган ҳарбий хизматчиларимиз ҳамisha ўқиб-ўрганиб, соҳалари бўйича билим ва маҳоратларини ошириб боришяпти. Бунинг учун барча қисм ва бўлиналарда зарур шарт-шароитлар яратилган бўлиб, машғулотлар кўргазмали қурошлар, макет ва плакатлар асосида тажрибали офицер, сержантлар томонидан олиб борилмоқда. Жанговар қурол-аслаҳа ва техникадан фойдаланиш сир-асрорларини пухта ўзлаштирган, дала-ўқув машқларида ҳар томонлама тобланиб, чиниққан ҳарбийларимиз бугун олдиларига қўйилган вазифаларни юксак даража адо этишиб, тинчлигимиз ва осудалигимизни муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Дарҳақиқат, чинакам мардлик, фидойилик йўлини танлаган посбонлар кун сайин янгиланаётган миллий армиямизни янада шакллантириш, муҳофаа қудратимизни мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида бор куч ва билимларини, имкониятларини ишга солиб, шу Ватан меҳри билан ёниб яшамоқдалар.

Айни кунларда Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган дала-ўқув машғулотларини кузатар экансиз, қалбингизда ўзгача бир гурур, фахр ҳиссини туйшингиз, табиий. Чунки машқларда посбонларимиз бор билим ва маҳоратларини намойиш қилишиб, миллий армиямизнинг куч-қудратини янада мустаҳкамлашмоқда.

Эрта тонгда полигонга етиб келар эканмиз, посбонларга яратилган шароитларни кўриб, кўнглимиз кўтарилди. Амалий машғулотлар майдончаси, ижтимоий-сиёсий ва жисмоний тайёргарлик, дам олиш, овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, ётоқхона, таом тайёрлаш, техникаларни сақлаш парки – барча-барчасида етарли қулайлик ва имкониятлар яратилган.

Саф майдончасида ўтказилган саф кўриги жараёнида шахсий таркибнинг жанговар вазифани бажаришга қай даражада шай эканлиги масъул офицерлар томонидан текширилиб, яхши баҳога баҳоланди. **Гуруҳлар қўйилган топшириқни бажариш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборишди. Уларга назар ташлар эканмиз, ўзаро дўстона муносабатнинг қанчалар чуқур эканлигини англадик. Шу боисдан уюшқоқлик, жипслик ва ҳамжиҳатлик ҳар доим ғалабага етаклаган.**

...Ҳали қоронғулик чекинмасдан туриб, офицер Уткир Тожиёв етакчилигидаги жамоа янги ўқув йили режасига асосан, қўмондонлик томонидан қўйилган жанговар вазифани бажариш учун йўналишлари бўйича

ҳаракатни бошлаб юборишди. Бунга қадар кўрилган тайёргарликлар давомида командир қўл остидагиларга жанговар топшириқ ҳақида етарли маълумотларни бериб, ундан келиб чиқадиган вазифаларни белгилади. Шунингдек, ҳар бир посбонга вазифасига қараб алоҳида топшириқ қўйилган. Унга биноан, гуруҳ тоғли ҳудудда ҳаракатланаётган шартли душманни топиши ва уни яқсон қилиши лозим. Юрт тинчлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимиз осойишталигини таъминлашдек эзгу ишга бел боғлаганлиги азаматларнинг сай-ҳаракатларидан билиниб турибди. Маълумки, азалдан аждодларимиз она юртга дахл солган, унинг фаровон ҳаётини бузишга уринганларга қарши мардонавор курашиб, буюк жасоратлар кўрсатишган. Бугун миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган посбонларимиз ҳам улуг аждодларимизга муносиб бўлишга ҳаракат қилишмоқда.

Тегишли ҳудудга етиб келган гуруҳ ўзи учун қулай жой танлаб, атрофда ҳимоя чизғини ташкил этишди. Қисқа муддатли дам олишдан сўнг, гуруҳ командири қўл остидагиларни йиғиб, шартли душман ҳаракатланиши кутилаётган жойларни харитада кўрсатиб, қидирув ишларини олиб боришларини таъкидлади ва барчага яна бир бор вазифа ҳақида маълумот бериб ўтди. Шахсий таркиб учта кичик гуруҳга бўлинган ҳолда қидирув ишларини бошлаб юборди. Бунда албатта гуруҳлар ўртасида доимий алоқа ўрнатилиб, барча ҳолатлар юзасидан командирга ахборот бериб турилди. Уч кунлик қидирув ишларидан кейин, лейтенант Илҳом Есехонов бошчилигидаги гуруҳ шартли душман ҳаракатланаётган йўналишни аниқлашга маваффақ бўлди ва бу ҳусусида дарҳол командирга ахборот берди. Командирнинг буйруғига кўра гуруҳлар муайян ҳудудда йиғилиб, олдиларида турган вазифани муваффақиятли амалга ошириш борасида режа тузишди. Режага биноан, гуруҳ мерганлари кичик сержант Маъмур Атабаев ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Адҳам Раҳмонқуловлар шартли душманни доимий равишда кузатиб, уларнинг ҳар бир ҳаракати тўғрисида командирга ахборот бериб боришди. Гуруҳ командири эса, қолган посбонлар билан биргаликда шартли душман ҳаракатланаётган йўналишда қулай позиция топиб, пистирма ташкиллаштиради. Тез ва аниқ ҳаракатлар натижасида қисқа муддат ичида шартли душман йўлига пистирма қўйилди. Командирнинг буйруғи кўра мерган, кичик

сержант М. Атабаев шартли душман пистирма қўйилган ҳудудга кириши билан уларнинг бошқарувчисини ертишлатиши лозим. Айнан шундай бўлди, моҳир мерган ўз маҳоратини намойиш қилиб 300 метр узоқликдан шартли душман бошқарувчисини аниқ нишонга олиб, ерга қулатди. Натижада шартли душман ўртасида парокандалик бошланиб, ваҳимага тушиб қолишди. Қулай вазиятни қўлдан чиқармай посбонлар ҳужум уюштиришиб, бир зумда шартли душманни яқсон қилишди. Жанговар вазифанинг муваффақиятли бажарилганлиги ҳақида гуруҳ алоқачиси кичик сержант Лочин Абдуҳакимов қўмондонликка ахборот берди.

Гуруҳнинг қўлга киритган муваффақияти уларни янада руҳлантириб, бундан-да юксак натижаларга етаклаши, шубҳасиз.

– Дала-ўқув машғулотида кўп бора иштирок этиб, бу каби жанговар вазифаларни муваффақиятли бажарганмиз, – дейди гуруҳ командири, катта лейтенант Уткир Тожиёв. – Шу боис гуруҳимиз ҳамisha илғорлар сафида бўлиб келаяпти. Чунки, сафимизга қўшилган ҳар бир кичик командирнинг ўз ўрнини топиши, жамоада ҳурмат қозонишига замин яратамиз. Бу улар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб, билим ва маҳоратлари ошиши, вазифани уюшқоқлик билан адо этишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дала-ўқув машғулотларини муваффақиятли ўтказишда кичик сержантлар – Мирсоат Қайюмов, Шамсиддин Қодиров, Хайрулло Турсунов, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, оддий аскарлар – Нуриддин Ўринов, Хайрулло Қудратов, Тўлқин Раҳимов, Улуғбек Нурматовларнинг пухта билимга, соҳалари бўйича юксак маҳорат ва кўникмага эга эканликлари яққол намойиш бўлиб, уларнинг қўшаётган муносиб ҳиссалари ғалабага замин яратди.

Ҳа, профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз сафлари ҳар томонлама етук, ўз соҳасининг асл билимдони бўлган, ҳақиқий ватанпарвар, шарафли ва масъулиятли касбни ҳаёти мазмуни, деб билган Ватан ҳимоячилари билан тўлиб бормоқда. Шунинг фахр билан таъкидлаш лозимки, бу каби дала-ўқув машғулотлари юрт ҳимоячиларининг юксак касбий маҳоратга, мустаҳкам иродага, ўз халқига, Ватанига садоқатли ва матонатли посбон бўлишдек олижаноб туйғуга эга бўлишларида муҳим омил ҳисобланади.

**Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.**



МАЛАКА

Сержантлар тайёрлаш мактабларида

ПРОФЕССИОНАЛЛАРНИНГ МАҲОРАТИ ЮКСАЛДИ

Яқинда Тошкент ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабида навбатдаги битирувчиларга сертификат ва увон бериш тантанаси бўлиб ўтди.

Кичик командирларнинг ўз соҳасининг профессионали, билимли ва тажрибали посбон бўлиб шаклланишида, командирлик салоҳиятига эга бўлишида, бир сўз билан айтганда ҳар томонлама етук, ўз касби, мутахассислигининг моҳир устаси, бурчига ва шарафли номига муносиб бўлишида Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларининг ўрни ниҳоятда каттадир. У ерда кичик командирлар бир қатор мутахассисликлар бўйича таълим олиб, маҳоратларини оширишмоқда. Бу жараёнда эса, тинимсиз изланиш, ўз устида ишлаш, билим ва малакани ошириб бориш муҳим ўрин тутади.

Битирувчилар соҳалари бўйича малакали устоз-офицерлардан таълимнинг янги дастури асосида сабоқ олишиб, ўз билим ва маҳоратларини янада мустаҳкамлашди. Уларнинг мукамал билим олишлари учун билим масканида барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Ўқув хоналар, спорт заллари ва шаҳарча-

си, компьютер хонаси замон талаблари асосида жиҳозланган. Илмий, ҳарбий ва бадний адабиётларга бой кутубхона ҳам курсантлар ихтиёрида. Битирувчилар билан сўхбатлашар эканмиз, улар ҳукуратимиз томонидан кичик командирларга катта эътибор берилаётганини, профессионал бўлиб шаклланишлари учун улкан ғамхўрлик кўрсатилаётганини алоҳида эътироф этишди.

– Сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб, билимни бойитганимдан жуда мамнунман, – дейди курсант Анвар Расулов. – Боиси бу ерда ўз соҳамдан ташқари барча мутахассисликлар бўйича ҳам мукамал сабоқ олдим. Шартнома асосида хизмат қилаётганимга кўп йил бўлган бўлсада, мактабда ўқишни бошлаган кунимданоқ, ҳали кўп нарсани ўрганишим лозимлигини англадим. Машғулотлар кўргазмалли қуроллар асосида тажрибали офицер-устозлар томонидан юксак савияда олиб борилди. Бу эса

биз курсантларнинг ҳар бир йўналиш бўйича етарли билимга эга бўлишимизда муҳим аҳамият касб этди.

Курсантларга ҳужжатлар тантанали равишда топширилганидан сўнг бўлиб ўтган митингга сўзга чиққан офицерлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ва меҳмонлар кичик командирларга улкан парвозлар тилашиб, миллий армиямиз сафлари мана шундай юксак салоҳиятли ва профессионал кадрлар билан тўлиб бораётганини алоҳида таъкидлашди.

Дониёр Рўзиқулов, Музаффар Каримов, Асқар Бўтаев, Зафар Нуоров каби ўнлаб битирувчилар мактабни имтиёзли ҳужжат билан тугатишди.

Ҳа, бугунги битирувчилар ҳарбий касбни шараф билиб, замон талабига монанд, олға қадам ташлаётган қалби қайноқ посбонлардир. Уларнинг келажакда профессионалликнинг янги-янги чўққиларини забт этишларига ишончимиз комил.

Кичик сержант Аҳрор НОЗИМОВ.



Военные профессионалы

УВЛЕКАЯ ЛИЧНЫМ ПРИМЕРОМ

Младшего сержанта Журабека Кулдошева не случайно ставят всегда в пример подчиненным. Заместитель командира группы должен быть образцом для подражания. Вот и старается Журабек в полной мере соответствовать положению первого помощника командира подразделения.

В ходе реформирования наших Вооруженных Сил подготовка сержантского корпуса всегда оставалась одним из основных приоритетов. Вот и в праздничном Обращении к защитникам Родины Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова подчеркивается: «Сержантский состав Вооруженных Сил становится по-настоящему важнейшим фактором обеспечения высокого уровня боевой и политической подготовки личного состава, поддержания здоровой морально-правовой обстановки и воинской дисциплины в подразделениях, говоря коротко, главным стержнем нашей армии». Эти слова с полным правом можно адресовать и младшему сержанту Ж. Кулдошеву.

Командир группы старший лейтенант Баходир Аъзамов сказал немало добрых слов об этом сержанте. Хотя и без слов, наблюдая за тем, как воины отрабатывают прохождение полосы препятствий, убедился в высоком профессионализме сержанта. Плотный, крепко сбитый, словно весь свитый из мышц, парень с каким-то изяществом пронёсся на руках по лестнице, одним

махом промчался по узкому мостику. Вот и тесный проход в проволочном заграждении не сбавил темпа его движения.

Параллельным курсом двигался по полосе снайпер группы младший сержант Асад Тухтаинов. В меткости стрельбы воин мог еще поспорить с заместителем командира группы. Однако в ловкости прохождения «тропы разведчика» ему не было равных соперников в подразделении.

– Как ни стараюсь его обойти, никак не удается, – искренне удивляется способностям товарища по оружию Асад. – Хотя он не держит секретов от нас, всегда готов помочь в деле отработки навыков по любому предмету боевой учебы.

Именно это дружелюбие, готовность прийти на помощь своим сослуживцам, трудолюбие и умение повести за собой снискали младшему сержанту Журабеку Кулдошеву непререкаемый авторитет в группе. А еще друзьям импонируют его скромность, честность, принципиальность.

В минувшем учебном году эта группа заняла первое место в войсках военного округа в кон-

курсе на звание лучшей горной группы. Этот успех стал результатом упорного труда всех воинов подразделения, но, по признанию самих военных профессионалов, главным краеугольным камнем для него стали именно высокая требовательность и полная самоотдача, организаторские способности заместителя командира группы.

– Уважаю младшего сержанта Кулдошева не только как сильного профессионала военного дела, – говорит о товарище сапер младший сержант Икром Вахобов. – К нему любой из нас всегда может обратиться за советом по личным вопросам, и не было случая, чтобы Журабек отмахнулся, не выслушал со ссылкой на занятость. Он не просто лидер нашего коллектива, но и верный товарищ, на которого можно во всем положиться.

В дни празднования самого дорогого для всех нас праздника – Дня Независимости, младший сержант Журабек Кулдошев со своими сослуживцами будет напряженно трудиться в полевых условиях, повышая свое профессиональное мастерство. Такова судьба защитника Родины – бдительно и верно стоять на страже мирной жизни жителей свободного Узбекистана.

Майор Анвар КАСЫМОВ.


ДУНЁ НАФАСИ

ҚУДРАТЛИ СУПЕРКОМПЬЮТЕР

Япониянинг «Fujitsu» компанияси 2011 йилга энг қудратли суперкомпьютерни яратишни режалаштирмоқда. «RIKEN» деб номланувчи тизим физика-кимё институтининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда яратилади.

Компания вакили Такуми Маруяма суперкомпьютер конфигурацияси ҳақида батафсил маълумот бергани йўқ. Фақатгина тизим ўн минглаб саккиз ядроли, 45 нанометрли технология бўйича тайёрланаётган «Venus» номи билан машҳур Fujitsu Sparc64 VIIIx процессорлари асосига қурилишини билдирмоқда. Шунинг ҳам айтиш жоизки, ҳар бир ядро 2 ГГцгача частотада ишлайди.

Суперкомпьютерга ўрнатиладиган чип бир секундда 128 миллиард операцияни бажаришига мўлжалланган. Бу Intel корпорацияси процессорлари ўрнатган рекорддан икки ярим барбар кўп.



ХАМИРДАН ЯСАЛГАН АВТОМОБИЛЬ

Свердлов вилоятида хамирдан тайёрланган автомобиллар кўргазмаси очилди. Унинг муаллифи болалар уйининг 10 ёшдаги тарбияланувчиси бўлиб, йигитча ўз асарларини Буюк Британиядаги музейга совға қилмоқчи. Шунинг тақдирини лозимки, коллекция 18 моделли ўзинга қамраб олган.

Кўргазма ташкилотчиларининг маълум қилишича, хамир автомобиллар Буюк Британиядаги йирик хусусий автомобиль музейига – «Napier International Motor Museum» га жойлаштирилади.

Маълум бўлишича, 10 ёшли болакай – Володя Савин Британия музейи соҳиби миллиардер Жон Хайнс билан дўстлашиши бунга сабаб экан. Аниқроғи 2008 йилнинг ноябрида йигитча миллиардерга хамирдан ясалган гаройиб мотоцикл совға қилган.



ТЎШАК ЎРНИГА ПИЧАН

Австрия, Германия, Швейцарияда экобайёҳлар ва табиат ишқибозларини қизиқтирувчи меҳмонхоналар оммалашмоқда. Германияда бундайини гўшаларни «heuhotels», яъни пичанли меҳмонхона деб номлашапти. Нархи ҳам шунга яраша – кунига ўртача 8 евро. Номидан ҳам кўриниб турибдики, бу ерда меҳмонлар тағига пичан тўшаб, дам олишади. Фақат меҳмонлар ўзлари билан уйқу қони ва сочиқ олишлари лозим.

Кўпгина бундай меҳмонхоналар ташриф буюрувчиларга от билан сайр қилиш, каноэда сузиш, камондан ўқ отиш ва тоғ велосипедида сайр қилишни таклиф этишади. Қолаверса, фермерлардан сархил товарлар сотиб олиш имконияти бор. Фақат тўшақда, йўғ-э, пичан устида чекмасангиз бўлгани.



ҒАРБИЙ ЕВРОПАДАГИ БАЛАНД МИНОРА

Лондонда «Shard» деб номланган. Ғарбий Европадаги энг баланд минора қурилиши бошланди. Унинг баландлиги 306 метр бўлиб, 72 қаватни ташкил этилиши кутуляпти.

Лойиҳа «Renzo Piano Building Workshop» архитекторлик компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Минорада трансмиллий компаниялар офислари, меҳмонхона («Shangri-La Hotel Group» 34-52 қаватини эгаллашни режалаштирган), соғломлаштириш маркази, рестороанлар, кафе ва дўконлар жойлашади.

Қизиги шундаки, миноранинг энг юқоридаги 15 қаватида омма учун томоша майдончаси қурилади.

Қурилиш 2012 йилда ниҳоясига етиши режалаштирилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



ДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА
ДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА
ДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА
ДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Американо-кубинские консультации

Правительства США и Кубы намерены рассмотреть возможность восстановления прямого почтового сообщения, передает информационное агентство Reuters. При этом в американском внешнеполитическом ведомстве, однако, отметили, что принятое администрацией США в конце мая решение о возобновлении с Кубой переговоров по вопросам иммиграции, прерванных в 2004 году, предусматривало и консультации относительно перспектив восстановления прямого почтового сообщения, передает ИТАР-ТАСС.



Крупнейшая утечка информации в вооруженных силах

Японская полиция арестовала армейского офицера, который похитил и передал частному бизнесмену базу данных на 140 тысяч военнослужащих – практически на весь личный состав сухопутных сил. Как сообщили следственные органы, эти материалы включали имена, звания, названия частей и подразделений, адреса и прочую служебную информацию. В цепочку распространения похищенных данных вовлечены 38 человек.



Следует ли девальвировать венесуэльский боливар

Власти Венесуэлы обсуждают возможность отказа от политики фиксированного курса боливара, что может привести к девальвации национальной валюты. Окончательное решение о судьбе боливара будет принято в конце сентября, пишет газета Wall Street Journal.

Власти страны раздумывают, следует ли девальвировать венесуэльский боливар или изменить валютный контроль в стране. Курс боливара на параллельном рынке на 67% ниже официального: за доллар дают 6,49 боливара.



В Мексике эвакуируют людей

Превентивные меры принимаются на северо-западе Мексики в связи с приближением мощного урагана Jimena, который достиг максимальной – пятой категории опасности. Как сообщили местные власти, в некоторых районах полуострова Нижняя Калифорния началась эвакуация людей в специально подготовленные временные убежища, передает ИТАР-ТАСС. Население ряда западных провинций Мексики оповещено о потенциальной опасности, которую представляет надвигающийся циклон. Ураган несет ветры скоростью 250 км/час с порывами до 350 км/час.



Первая жертва А/Н1Н1 в Швеции

В Швеции зафиксирован первый случай гибели человека от гриппа А/Н1Н1.

Скончался 40-летний мужчина, сообщил главврач Академического университетского госпиталя города Упсала.

Всего в Швеции зарегистрировано 915 случаев заболевания новым гриппом, передает ИТАР-ТАСС.

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА


РАЗРАБОТАН НОВЫЙ ПРОЕКТ

В Германии разработан проект десантно-вертолетного корабля-дока, который предполагается использовать в составе многонациональных сил по урегулированию кризиса различного масштаба и для защиты интересов ФРГ в Мировом океане. За его основу взят проект 702 танкера-заправщика «Берлин». Данный корабль-док рассчитан на перевозку на верхней палубе до 52 стандартных 20-т контейнеров, вмещающих оборудование и имущество полевого госпиталя или штаба сухопутной группировки. В корме корабля оборудованы две вертолетные палубы: нижняя — для приема средних транспортных вертолетов типа NH-90, верхняя — для легких санитарно-эвакуационных. Кроме того, имеется ангар для базирования четырех вертолетов. В кормовой док могут загружаться до 38 контейнеров или шесть танков, или 12 БМП типа «Пума» и три дистанционно управляемых прорывателя минных заграждений типа «Зеехунд». На средней палубе могут разместиться до 227 военнослужащих в боевом снаряжении. Для десантирования военнослужащих на корабле имеется четыре катера вместимостью до 68 человек каждый. Экипаж корабля 65 человек и 32 летного состава, а также до 50 человек походного штаба или медицинского персонала госпиталя. Основное вооружение: четыре-пять АУ малого калибра, ЗАК «Милениум», две ПУ ЗРК «Стингер», две ПУ постановки помех MASS и установка нелетального оружия микроволнового действия.



ЗАПУСК — РУЧНЫМ СПОСОБОМ

Специалисты министерства обороны США проводят НИОКР по созданию разведывательных беспилотных летательных аппаратов (БЛА) с электрическим питанием и винтовым двигателем, способных в полете пристыковываться к высоковольтным линиям электропередач (ЛЭП), осуществляя таким образом подзарядку бортовых аккумуляторов и продолжать выполнение задания. Так, в рамках соглашения с исследовательской лабораторией ВВС США специалистами компании «Дэйтон» (штат Огайо), занимающейся исследованиями в области обороны (Defense Research Associates), разработан опытный образец аппарата «ДэвилРей» (DevilRay), построенного по аэродинамической схеме «летающее крыло». Для уменьшения индуктивной составляющей лобового сопротивления и увеличения подъемной силы законцовки крыла «ДэвилРей» направлены вниз. Кроме того, такая конфигурация обеспечивает путевую устойчивость и позволяет отказаться от установки вертикального оперения. Запуск аппарата массой 3,27 кг с размахом крыла 1,22 м выполняется ручным способом. Поиск ЛЭП оператор управления мини-БЛА будет осуществлять при помощи бортового магнитометра. После захвата провода ЛЭП специальным устройством аппарата осуществляется подзарядка бортовых аккумуляторов бесконтактным способом при помощи встроенных в законцовки крыла соленоидов с использованием принципа электро-магнитной индукции.



«ТАТРА» АВТОМОБИЛИ АСОСИДА

Исроил қуролли кучларининг «Уайлдкэт» номли зирҳли автомобили (ғилдираклар формуласи 4x4) IMI ва «Зоко энтерпрайзиз» компаниялари томонидан «Татра» автомобили асосида яратилган. Мазкур ҳарбий техника 12 нафар барча зарурий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган пиёдаларни (бунга экипажнинг уч аъзоси — командир, ҳайдовчи ва ўқ отувчи-алоқачи ҳам қиради) олиб юриш учун мўлжалланган. Мазкур десантчилар машинанинг қуйруқ қисмидаги эшик, шунингдек, унинг ўнг ёки чап томонидаги гидравлик апареллар орқали ўз ўрнини эгаллаши ёки тарк этиши мумкин. Унинг модуль зирҳи экипаж ва десантчиларни калибри 7,62 мм.гача бўлган ўқлар, граната ва баъзи хилдаги артиллерия снарядлари парчаларидан ҳимоя қилади, V-симон шаклдаги остки қисми эса миналар ва қўлбола портловчи қурилмалар портлашида пайдо бўладиган зарба тўлқини таъсирини пасайтиради. Зирҳли ҳимоя даражаси ўзгариши ҳисобига машина оғирлиги 12,6 дан 18 тоннагача бўлиши мумкин.

«Уайлдкэт» зирҳли автомобили қуввати 325 от кучига тенг бўлган турбопуфлагичли дизель двигатели билан жиҳозланган бўлиб, у максимал ҳаракатланиш тезлигини (шоссе бўйлаб) соатига 104 км.га етказиш имконини беради.

Машинанинг ёқилғи захираси 250 л, ёқилғи бўйича юриш захираси 700 км. Буюртмачи истагига кўра, автомобиль томига масофадан бошқариловчи қурол модули, салонда эса — жамоавий радио-кимёвий ҳимоя тизими, автоматик тарзда ёнғинни ўчириш, ҳавони тозалаш тизимлари ва бошқа ускуналар ўрнатилиши мумкин. Машинанинг узунлиги 7,2 м, эни 2,5 м, корпус тагигача бўлган баландлиги 2,7 м.

«Уайлдкэт» зирҳли автомобили Исроил қуролли кучларидан ташқари АҚШ денгиз пиёдалари бўлинмалари қуроллари таркибига киритилиши ҳам мўлжалланмоқда.




ЗАХИРА ҚҶМОНДОНЛИК ПУНКТИ

АҚШ қуролли кучларига қарашли E-4B русумли захира ҳаво қўмондонлик пункти «Боинг» компанияси мутахассислари томонидан «Боинг-747-200» самолёти асосида яратилган. Мазкур самолёт қуролли кучларни бошқариш, ҳужумкор стратегик кучларга уларни жанговар қўллаш ҳақидаги фармойишларни етказиш, шунингдек, кескин ҳолатларда фуқаро маъмурлар ҳаракатларини мувофиқлаштиришда ёрдам кўрсатишга мўлжалланган.

Самолётнинг асосий техник-тактик тавсифлари қуйидагилардан иборат: узунлиги 70,51 м, баландлиги

19,33 м, қанот кўлами 59,63 м, қанот майдони 510,95 кв. м. Учта палубадаги умумий ички майдони 511 кв.м; самолётнинг максимал кўтарилиш оғирлиги 362875 кг (юксиз — 14800 кг), фойдали юк олиш оғирлиги 66000 кг, максимал ёқилғи захираси 150395 кг; 8 соатлик учишга мўлжалланган ёқилғи захираси билан кўтарила бошлаш узунлиги 1525 м; самолётнинг максимал учиш тезлиги соатига 970 км (9000 метр баландликда); крейсерлик (оддий) тезлиги 930 км/с, амалий кўтарилиш нуқтаси 13700 м, учиш давомийлиги 12 соат (ҳавода ёқилғи билан таъминланганда — 72 соат).



ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

«Карл Густав» М2 русумли 84 мм.ли танкка қарши қўл гранатомёти Австрия қуролли кучлари қуруқликдаги қўшинларининг пиёда ва мотопиёда бўлинмалари қуроллари таркибидан PAK 66/79 (Panzerabwehrrohr) белгиси остида ўрин олган. Мазкур гранатомёт душманининг зирҳли нишонлари ва тирик кучига қарши (шу жумладан, дала типдаги пана жойлар ва шаҳар инфратузилмаси объектларида ҳам) қураш олиб боришга мўлжалланган. Гранатомёт расчёти 2 кишидан иборат. Комплекстининг жанговар оғирлиги 30 кг. Танкка қарши қўл гранатомётининг 1,13 млн қирқма стволли ўқ-дориларининг асосий типлари билан аниқ отишни яхшилаш учун 24 та ўнг томон айланиш ариқчаларига эга. Кумулятив граната билан максимал самарали отиш узоқлиги 700 м, парчаланадиган фугасли граната билан — 1000 м, ёруғлантириш гранатаси билан — 2100 м. Жанговар отиш тезлиги дақиқасига 6 та отиш. Гранатомётнинг оптик нишони 2–3 баробар катталаштиришни таъминлайди. Ҳозирда мазкур қуролни янада такомиллаштириш устида ишланмишлар олиб бориламоқда.

М. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.



ХОНАДОН

Пазандалик сирлари

БАҚЛАЖОНЛИ САЛАТ

Масаллиқлар: 150 гр. дудланган колбаса, 2 та бақлажон, 1 та бодринг, саримсоқпиёзнинг 1 та бўлаги, 100 гр сметана, 50 гр. зайтун ёғи, яримта лимоннинг суви, мурч ва туз.

Бақлажонни ювиб 1 см қалинликда ҳалқасимон кесилади. Туз сепиб ярим соатга олиб қўйилади. Бодринг ҳалқасимон шаклда жуда юпқа тўғралади, колбаса эса – сомонча шаклида. Тайёрлаб қўйилган бақлажонларни қизиб турган ёғда юмшагунига қадар оз-оздан пишириб олинади ва совутилади.

Соус тайёрлаш: Сметана билан лимон суви кўпиртирилади, туз, мурч солинади.

Тайёрланган масаллиқларни саримсоқпиёз суртилган идишга солиб аралаштирилади. Устига соус қуйиб яна аралаштирилади ва сингиши учун 10 дақиқага қолдирилади.



ТУХУМ БАРАК

Керакли масаллиқлар: 500 г. ун, 1 ст. сут, 15 дона тухум, 150 г. эритилган сарёғ, туз ва мурч таъбга кўра.

Чуқурроқ идишга тухумларни солиб, унга туз ва мурч сепиб, устидан эритилган сарёғни солиб, аралаштирамиз.

Сутли хамир қориб, 10 дақиқа тиндирилади. Сўнгра хамирни юпқа қилиб ёйиб, ўртача катталикда тўртбурчак қилиб кесилади. Хамирни икки қават қилиб буклаб, икки томони бир-бирига ёпиштирилади. Очиқ қолган томонидан хамир ичига аввалдан тайёрланган тухумли аралашма 1 ош қошиқдан қуйиб, кейин учлари бирлаштирилади. Қайнаб турган сувда 2-3 дақиқа давомидан пиширилади. Таом лаганга сузилиб, устига сметана қуйилади. Кўкатлар билан безатилган ҳолда дастурхонга тортилади.



Полезные советы

● Во многих рецептах указано «шепотка ванилина», «сода на кончике ножа»... Помните, что соду или ванилин лучше недосыпать, чем пересыпать, иначе вы безнадежно испортите пирог.

● Не месите слишком долго песочное тесто, иначе оно станет плотным, жестким.

● С бисквитным тестом тоже не стоит чересчур усердствовать: выпекайте сразу, иначе из бисквита могут улечься пузырьки воздуха, он потеряет вкус и нежность.

● Сохранению витамина С способствует вымачивание очищенного картофеля в соленой воде.

● Если вы хотите добавить в салат сырой репчатый лук, мелко нарежьте его, положите дуршлаг и обдайте кипятком, он потеряет горечь и будет гораздо вкуснее.

● Яйцо при варке не треснет, если на дно кастрюльки положить перевернутое блюдо.

● Если вам надо сварить яйцо с надтреснутой скорлупой, смажьте трещину лимонным соком и сильно посолите воду.


● Чтобы молоко не «убежало» при кипячении, смажьте края посуды жиром.

● Торт с грецкими орехами получится куда более нежным, если в него добавить протертое яблоко.



Bolajonlar, sizlar uchun!

O'yla, izla, top!



HAYDOVCHI

(hikoya)

Avtobus o'ynasidan tashqarini kuzatib boshladim. Xuddi avtobus to'xtab, yo'l yoqasidagi tutlar harakatlanayotgandek. Qir-adirlarga qarasham, kimdir qizil gilam to'shab qo'ygan kabi qip-qizil. Uni ko'rib ona tabiatning mo'jizasiga qoyil qoldim.

— O'g'lim, shu bekatda to'xtab qo'y, — dedi orqa o'rindiqda o'tirgan mo'ysafid.

— Ho'p bo'ladi, otaxon, — dedi haydovchi va avtobusni bekatda to'xtatdi.

— Umringdan baraka top, bolam, yo'ling doim ochiq bo'lsin, — deb otaxon yuziga fotiha tortib, bekatda tushib qoldi.

— Avtobus yana bir tekisda yo'lida harakatlanardi. Uzoqda qo'lida bola ko'targan ayol ko'rindi. U qo'l ko'tarib, avtobusni to'xtatishga ishora qildi.

Avtobus ayolning yonida to'xtadi. Old eshik ochilgandan so'ng, ayol avtobusga chiqdi.

— Rahmat, aka, bolalaringizning baxtini ko'ring, — dedi ayol.

Haydovchi unga tabassum bilan bosh siltab qo'ydi. Uning bu tabassumi meni o'ziga jalb qildi. Haydovchining yoshi qirqlarda bo'lsa kerak. Gavdasi to'lachadan kelgan, sochlari jingalak, kuni bilan ishda bo'lgani uchun-mi yuzlari biroz so'lg'in, lekin lablaridagi tabassum bu so'lg'inlikni yashirib turibdi. U kishi avtobusga chiqayotgan, tushayotgan har bir kishiga shirin muomala qilar, tabassumini ayamas edi. Avtobusga chiqqan-tushgan yo'lovchilar borki, u kishining haqqiga duo qilardi. Biz ham manzilizimga yetib, avtobusdan tushdik. Avtobusdan tushayotib oyim ham unga rahmat aytib, duo qildilar.

Bugun maktabda «Kim bo'lsam ekan?» mavzusida insholar tanlovi bo'ldi. Insho yozayotganimda o'sha avtobusdagi haydovchi ko'z oldimga keldi. Har kuni yuzlab odamlarni o'z manziliga yetkazib, ularning rahmatini, duosini oladi. Bunday kasbni kim ham yoqtirmaydi. «Ko'pning duosi ko'l bo'ladi», deydi xalqimiz. Men ham ko'pning duosini olish uchun haydovchilikni tanladim. Maktabni bitirganimdan so'ng, albatta, haydovchi bo'laman. Elga xizmat qilaman.

Ana shunday qilib, «Kim bo'lsam ekan?» degan savolga javob topdim.



